42 (372)
2003 йил 22 октябр
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Обод маҳалла йилида «Mahalla»ни ўқиб

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 295- кун

2
● Сайлов сийлов эмас!
● Маънавий комиллик барчага керак!

3
● Тил - миллат кўзгуси
● Барқарор оила – жамият устуни!

4
● Оқсоқоллар ...кортда беллашдилар.
● Битиклар гувоҳлик берганда...

БОЖХОНА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 февралидаги мажлисидаги маърузасида сифатсиз ва контрабанда йўли билан товарларнинг олиб келинишига қарши курашни янада кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Давлат божхона қўмитаси ана шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий соҳа ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар прокуратураси, ички ишлар бош бошқармаси, давлат солиқ бош бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда ана шу Дастурнинг ижросига бағишлаб уюштираётган учрашувларнинг навбатдагиси Шайҳонтохур тумани Янги Камолон маҳалласида бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизга истеъмол молларининг ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш билан бирга товарларнинг ички бозорда тегишли ҳужжатларсиз савдо қилинишига чек қўйиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда қонун доирасида иш юритувчи ҳалол тадбиркорлар учун талайгина енгилликлар яратилаётир. Қўшимча қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиб жорий этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай бўлса-да, мамлакатимизга товарларни контрабанда йўли билан олиб кирилиши ҳоллари ҳамон кузатиляпти. Бундай товарлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари божхона постларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўланмасдан, энг ёмони - таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда киритилаётгани ташвишлидир.

Ҳар бир маҳаллада кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқаролар бор. Уларнинг орасида шундайлари ҳам учраб турадики, мўмай пул орқасидан қувиб, қонунларга хилоф ишга қўл уради. Бунинг оқибатида ҳуқуқбузарлар қаторига кириб қолиб, ўзини ҳам, оила ва бола-чақасини ҳам мушкул аҳволга солиб қўяди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан йил бошидан буён 148 ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилгани бу борада аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади.

Янги Камолон маҳалласида ўтган тадбирда контрабандага қарши курашда божхона ходимлари билан маҳаллалар оқсоқоллари ва посбонлари, прокуратура ва ички ишлар органлари, суд ва солиқ идоралари ҳамкорлиги яхши самара бераётгани қайд этилди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИСТИҚЛОЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТДОШЛАР



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

Юртдошларимизга хос хислатлардан бири кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатишдир. Авваллари бундай хислат кўпроқ оила даврасида бўлган бўлса, бугунги кунда яъни мустақиллик даврига келиб, бундай эъзозлаш давлатимиз дастурларидан ҳам ўрин олди. Фақат истиқлол туфайлигина ҳақиқий эъзоз кўраётган юртимиз фахрийларининг ўзлари эса жамиятимиз, Ватанимиз равнақи, элимиз фаровонлигини учун ҳимматларини, маслаҳатларини аямайдилар.

● *Ўзбекистон дунё кўзгусида*

ЮНИСЕФ МОНИТОРИНГИ: У НИМАНИ ТАСДИҚЛАДИ?

МДҲ мамлакатларининг бугунги ҳаёт даражаси билан қизиқиб турли тадқиқотлар ўтказаётган халқаро ташкилотлар анчагина. Хусусан, мустақил Ўзбекистон ҳақида ҳам бу ташкилотларнинг ўтказаётган таҳлилий тадқиқотлари эълон қилиниб турибди. Уларнинг баъзилари тафсилоти билан танишиб баъзан ҳайрон қоласан. 3-4 та манба, 15-20 одам, бунинг устига, фақат мамлакат ҳаёти ўзгаришларига салбий кўз билан қарагувчилар, қайсидир давлат идорасидан ўз шахсий манфаатлари нуқтаи назаридан норози кайфиятдагилар сўзини далил қилиб, бир мамлакат ҳаётига салбий баҳо берувчилар ҳам бор. Уларга қанча тушунтирманг, яъни баҳолаш тамойиллари бир ёқлама бўлганда фақат бир ёқлама хулоса юзага келишини уқтирманг, буни ҳазм қила олмайди ва бундай йўл тутиш ўз мақсадига хизмат қилмаслигини очиқ-ойдин айтиб қўя қолади.

Нега шундай тафсилотга берилиб сўзлаяпмиз?

Сабаби - шу кунларда мустақил юртимиз ҳаётидан шундай "негатив ҳолатлар" топиб жар солаётган баъзи бир ўзларини "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" деб атаётган ташкилотларнинг "ихтиро"ларига қарама-қарши улароқ битилган хулосалар - ЮНИСЕФнинг "2003 йил ижтимоий мониторинги" тадқиқотлари эълон қилинди. Эътибор қилинг: ўзича "негатив ҳолатлар" топиб эълон қилаётган "инсон ҳуқуқининг ҳимоячилари" кўпроқ аламзада ва кирдикор излашдангина рағбат топадиган қимсаларнинг гапсўзи асосида хулоса эълон қилади. Улар буларни яна излаб-излаб манзиллардан топадилар. Бундай ҳолатда холислик бўлиши мумкинми. Йўқ албатта. Бунда фақатгина мамлакатни, унинг ҳаётини ёмон отлиқ қилиш нияти амалга ошиши мумкин, холос. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилган тадқиқот муаллифлари эса бундай бир ёқламалик билан эмас, мониторинг усулининг барча тамойилларига амал қилган ҳолда иш кўрганлар. Шунингдек, бу тадқиқотлар натижасининг факт ва рақамлар воситасида эълон қилиниши, бу масалада ўта эътиборга лойиқ. Хуллас, ЮНИСЕФ тадқиқотининг бундай усули бу хил тадқиқотларнинг қайси бирида ҳақиқат мавжудлигини ҳам исботлаб беради.

Албатта, биз ЮНИСЕФ Ўзбекистон ҳақида ижобий хулосалар эълон қилгани учунгина ундан мамнунлик ҳис қилаётганимиз йўқ. Гап шундаки, ҳақиқий маънода ўрганилганда холислик асосида иш юритилади. Мониторинг усули бу холис фикрлар йиғиндисидир. "Негатив ҳолатлар", "ижодкорлари"нинг топган "негатив ҳолатлари" ЮНИСЕФ тадқиқотига кўра бўҳтон, ёки аксинча бўлиб чиқмоқда.

ЮНИСЕФ эътирофига кўра мамлакатимизда кейинги икки йилда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши бўйича МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори натижа қайд этилган. Бу кўрсатгич тадқиқотга кирган баъзи бир мамлакатлардагига нисбатан икки, икки ярим баробар катта. Баъзи бир мамлакатларда деярли барча даромад аҳолининг ярмидан кам қисми қўлига ўтиб қолган. Ўзбекистонда бундай салбий ҳолат юз бераётгани йўқ. Шу тадқиқот маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар техник таълимига давлат бюджетидан энг кўп харажат қилаётган мамлакатдир.

ЮНИСЕФ эълон қилган хулосаларда шундай ютуқлар қайд этиладики, бунда мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саналган қишлоқ, маҳалла, овул, посёлка фуқаролар йиғинлари, улар фаолиятига бевосита кўмаклашиб келаётган турли нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси фаолиятининг бевоситаси ҳиссаси бор.

Тасаввур қилайлик: юртимизда аёлларнинг фарзанд кўриши энг мақбул ёшларда эканлиги, 20 ёшгача фарзанд кўрган оналарнинг никоҳсиз фарзанд кўриш ҳолати Шарқий Европанинг кўплаб давлатларидагидан уч баробар, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондагидан икки баробар камлиги, сўнгги 12 йилда Ўзбекистонда абортлар сони уч баробар камайиб, бугунги кунда ҳомилани сунъий тушириш МДҲдаги баъзи мамлакатлардагидан 10-15 баробар кам эканлиги, никоҳнинг бекор қилиниши даражаси сўнгги 12 йилда 1,5 баробар камайиб, бу борадаги кўрсатгичлар Чехия ва Беларусдагидан 6 марта, Россиядагидан 7,5 марта, ҳатто турмуш тарзи бизга яқин бўлган, оилавий ажралишларга ўта салбий ҳолат сифатида қараладиган ён қўшниларимиз Қозоғистондагидан 3 марта, Туркманистондагидан 2 марта камлиги, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиб, 2002 йилда 100 минг кишига нисбатан жиноят содир этиш 298 ҳолатни ташкил этгани (шу даврда Россияда жиноятчилик икки баробар ўсган), вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Ўзбекистонга нисбатан Россияда 15 баробар, Украинада 10 баробар, Қозоғистонда эса 6 баробар кўп эканлиги каби ҳолатлар Ўзбекистон ҳаётининг ривожланиш, тараққий этиш белгилари эмасми ва бу ютуқларнинг маълум томони фуқаролар йиғинлар фаолияти билан боғлиқлиги ҳаммга аён эмасми? Афсуски, юқорида эътироф этганларимиз «негатив ҳолат» изловчилар маҳалланинг шу ютуқларга хизмат қилувчи фаолият қирраларини қонунбузарлик деб баҳолайдилар. Наҳотки қонунбузарлик ривожланишни таъминласа? Ҳа, ЮНИСЕФ тадқиқотлари натижасига суяниб ўша "негатив ҳолатлар" изловчи халқаро ташкилотлар айтганидек маҳалла инсон ҳуқуқлари борасида қонунбузар эмас, балки ўз фуқаролари ҳаёти учун жонфидо орган эканлигини англаш қийин эмас. Нега? Ахир мамлакатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлар маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантирди, янги босқичга кўтарди. Фуқаролар йиғинлари ўз фаолият доирасини кенгайтириб, катта ишларга, хусусан, тарбиявий, ташкилий ишларга киришди. Унинг фаолиятида йиғин раисидан ташқари, маҳалла посбони, педагог-тарбиячи лавозимлари, ўнлаб фаол комиссиялар самарали ишламоқда.

Чори ЛАТИПОВ

"Маҳалламиз паҳлавонлари" турнирида

НАВБАТ БЕЛБОҒЛИ КУРАШГА ЕТДИ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган "Маҳалламиз паҳлавонлари" маҳалла болалари ўртасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилиб келинаётган "Маҳалламиз паҳлавонлари" анъанавий турнири йилдан йилга ўз нуфузини, оммавийлигини ошириб бормоқда. Буни яқинда якун топган миллий кураш бўйича мусобақаларнинг қай даражада қизғин ўтганлиги билан ҳам далиллаш мумкин.

Шунингдек, ушбу йилда бу турнирдан белбоғли курашнинг ҳам ўрин олганлиги бундай кўламнинг яна бир далили. Куни кеча пойтахтимиздаги "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида бу мусобақанинг финал босқичи бошланди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадойбоев мусобақа қатнашчилари ва ташкилотчилари бу мусобақаларнинг бошланиши ва унинг оммавий тус олаётганлиги билан қутлади.

Икки кун давом этадиган мазкур мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ғолиблари бўлган ёш полвонлар ва фахрий курашчилар Республика ғолиблиги учун бел олишмоқда. Бугун эса ғолиблар аниқланади.

Мухбиримиз.

ТЕННИСЧИ ОҚСОҚОЛ

Неъматжон Асадуллаевнинг Олмурод маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлиб сайланганига ҳали икки йил ҳам тўлгани йўқ. У шу қисқа вақт мобайнида ўзининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлиги билан кўпчилик ҳурматини қозонди.

Мустақиллик йилларида у Учкўприк туманида биринчилардан бўлиб «Неъмат» хўжалигини ташкил қилди. Хўжалик оилага ҳар йили икки миллион сўм атрофида соф фойда келтира бошлади. У дастлаб бу фойдадан маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз қариялларга, етим-есирларга ёрдам бериб юрди. Маҳалладаги янги қурилган уйларга икки километр масофага қувурлар ётқизишга, тоза ичимлик суви келтирилишига бош-қош бўлди.

Кейинчалик унда теннис майдончаси қуриб, маҳалла ёшларини спортнинг шу турига жалб қилиш орзуси туғилди. Дарвоқе, ўзи ҳам ёшлигидан теннисга қизиқар эди. Шундай қилиб у 33-ўрта мактаб ҳовлисидан жой ажратиб олиб,очиқ турдаги теннис майдончаси қурилишини бошлаб юборди. Оқсоқол ўз ҳисобидан бир миллион уч юз минг сўм пул сарфлади.

Шу йил Наврўз байрами арафасида теннис майдончаси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шу куни маҳаллада ўтказилган катта тантана спорт байрами билан қўшилиб кетди. Маҳалла оқсоқоли Неъматжон Асадуллаев спорт кийимидаги ўғилларн Акбаржон ва Акмаджонлар билан теннис майдонига кириб келганида йиғилганлар уларни қарсаклар билан кутиб олишди. Миролим Кенжаев, Фаррух Мирахмедов, Шераали Ҳамдамов, Ҳамзали Қурбонов сингари теннисчилар отаболалар билан куч синашди. Мусобақада маҳалла оқсоқоли Неъматжон Абдуллаевнинг қўли баланд келди.

Бугунги кунда маҳалладаги йигирмага яқин ёшлар теннис билан доимий шуғулланишяпти, - дейди оқсоқол. - Улар сафи тобора кенгайиб боряпти. Мактаб ўқувчилари орасида ҳам теннис ўйинига қизиқувчилар сони кўпаймоқда. Келгусида маҳалламиздан тажрибали теннисчилар етишиб чиқишига ишонаман. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўламиз, - дейди!

Юртимизда пахта ҳосили йиғим-терими қизғин паллада.

Суратда: Чиноз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи муовини Баҳодир Зуфаров ва "Йўл тушган" ширкат хўжалиги раиси Маматқул Раимқулов ҳосил чўғидан мамнун.

Пахтазорда

Каримжон РИХСИЕВ олган сурат.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона – 136-53-93.
Тел/Факс: – 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

Мафкура кучи. Олдинда сайловлар... 100 ёшли муаллим.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ БОРАСИДАГИ БАҲСЛАР

Яқинда Белгия пойтахти Брюссел шаҳрида Европа Иттифоқи (ЕИ) аъзолари ва янги номзод давлат раҳбарларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ЕИ кенгайганидан сўнг иттифоқнинг бошқарув тизими ва ягона конституциясини яратиш масаласи муҳокама қилинди.

Анжуманда, шунингдек, хавфсизлик ва мудофаа тизимини такомиллаштириш, муҳожирлик муаммолари, иттифоқнинг иқтисодий тараққиёти каби масалалар хусусида ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Аслида янги конституция лойиҳасини тузиш масаласи анча вақтдан буён аъзо ва номзод мамлакатлар ўртасида қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бир қанча вақт олдин Италия пойтахти Римда бўлиб ўтган учрашувда ҳам томонлар бу борада бир тўхтамга кела олмаган эди.

Маълумотларга кўра, янги конституция лойиҳаси бир қатор ўзгаришларни, хусусан, ҳукуматларнинг вето ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини чеклаш, Европарламентга катта ваколатлар бериш, ЕИнинг ташқи ишлар вазирлигини таъсис этиш ҳамда Европа комиссиясидаги комиссарлик лавозимларини қисқартиришни кўзда тутади. Иттифоқнинг олти аъзоси - Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Белгия ва Люксембург мазкур лойиҳани тўла қўллаб-қувватламоқда. Буюк Британия ва Дания ҳам хайрихоҳлик билдираётир. Аммо, Полша ва Испания қарши. Бундан ташқари, иттифоқнинг бошқа аъзолари ҳам Еврокомиссиядаги комиссарлик ўринларининг ўн бештага камайтирилишидан ҳунчалик кўнгли тўлмаяпти. Комиссарлар сони қисқартирилса, ЕИнинг йирик мамлакатлари комиссияда битталан ўз вакилига эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Қолган кичик давлатларнинг эса навбат кутишига тўғри келади.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда Еврокомиссияда 20 ўрин мавжуд бўлиб, иттифоқ кенгайганидан сўнг 25тага ошиши кутилаётган эди.

Иттифоқда икки юқори лавозим - Европа Иттифоқининг беш йилга сайланадиган президенти ҳамда ташқи ишлар вазирини таъсис этиш масаласи ҳам кўриб чиқиляпти. Бу масала муҳокамаси ҳали бошланғич босқичда.

Буюк Британия ҳукумати янги конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлаётгани ҳолда, ягона мудофаа тизимини барпо этиш таклифига норозилик билдираётир. Мамлакат расмий вакиллари бунинг натижасида НАТОнинг Европадаги нуфузи камайиши мумкинлигини таъкидламоқда.

ЕИда ноқонуний муҳожирликка барҳам бериш жиддий масалага айланган. Айрим мамлакатлар аллақачон бу борада махсус агентлик тузиш таклифини ўртага ташлаган. Бироқ, айни масала хусусида турли қарама-қаршиликлар ҳам бор. Бир гуруҳ вакилларнинг фикрига кўра, айни пайтда Европа аҳолисининг иш усули анчайин эскиргани боис минтақа иқтисодиётини жонлантириш учун хориждан янги иш кучи келтириш ниҳоятда зарур. Бошқа бир томон эса, чегара масаласида қаттиққўллик қилиш лозимлиги, керак бўлса, ЕИни «кириб бўлмайдиган мустаҳкам қалъа»га айлантириш истагини билдирмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, муҳожирларнинг келишига доир қонун-қоидалар умумлаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилгунга қадар ҳали барибир вақт бор.

Шундай қилиб, бу гал ҳам иштирокчилар конституция лойиҳаси борасида бир фикрга кела олмади. Лекин, Европа Иттифоқи чегараларини назорат қилувчи махсус агентлик тузишга келишиб олди.

Маълумотларга қараганда, шу йилнинг ноябр ойида ЕИга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги анжумани ўтказилиши режалаштирилган. Янги конституцияни ҳаётга жорий қилиш борасидаги баҳс ва мунозаралар мазкур анжуманда барҳам топса ажаб эмас.

● *Маҳалла педагог тарбиячиларига, воизларига ёрдам.*

Бўшлиқ

У ИНСОН ОНГИДА БЎЛСА-ЧИ?

Бўшлиқ ҳақида оддий бир мисол: агар бирор майдон ёки хонадон бўш турса, у ҳеч кимнинг тасарруфида бўлмаса, унинг эгасиз эканлигини билганлар, тайёр турган ерга эга бўлиш, хонага жойлашиб олиш ҳаракатида бўлишади. Чунки у «бўш» турибди-да.

Маълумки, муқаддас китоблардаги ҳар бир ояти карималар, пайғамбарларимиз ҳақидаги қиссалар, улар яратиб кетган ҳадислар фикр юритувчи ҳар бир киши учун доимо ибрат олса арзийдиган ҳикматлардан иборатдир. Тушунча ва тамойилларнинг таъсир кучини оширишда, қиссалар, ривоятлар эртаклардаги мажозий тимсоллардан фойдаланиш ғоянинг онгда узоқ сақланиб қолишига имкон яратади.

Миллий қадриятларимизни тўхтовсиз ўрганиб бориш, маънавиятни янада юксалтириш, халқимиз тарихий хотирасини тиклаш каби асосий дастурларимиз ишониб суянса арзийдиган тамойиллардир. Бу тамойиллар буюк халқимиз ҳаёти - фуқаролик жамияти билан доимо чамбарчасдир, ҳамнафасдир.

Ватанга муҳаббат туйғуси, эришилган Мустақилликни асраб-авайлаш, огоҳлик ҳақида маҳаллаларда маърузалар ўтказилмоқда, ва мавзулар матбуотда ёритилмоқда. Бироқ бу шундай бир даъватки, у доимо янграб турса, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва янада мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам бизни огоҳликка чорловчи муқаддас чақириқларни топишимиз, унга янада жило беришимиз ва унга кучли эътиқод билан амал қилишимиз лозим.

"...ҒОФИЛЛАРДАН БЎЛМАНГ"

Доимо ҳушёр бўлиш, ғофиллардан бўлиб қолмаслик ҳақида муқаддас китобимиз Қуръони Каримнинг Аъроф сураси 205-оятида «Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эрта-ю кеч ёд қилинг ва ғофиллардан бўлманг» дейилган. Бу ерда Аллоҳни ёд қилишдан сўнг ғофил бўлмаслик таъкидланяпти. Муфассирларимизнинг айтишларига қараганда, Аллоҳни тан олиш, уни билишнинг ўзи огоҳликдан, ҳушёрликдан далолат экан.

Имом Бухорий ва бошқа алломалар ривоят қилган жуда кўп ҳадисларда уйғоқлик, ҳушёрлик, огоҳлик, ғафлатга ботмаслик ҳақида бот-бот айтилган.

Яқинда таваллуд куни нишонланадиган Абдухолиқ Ғиждувоний тариқат қоидаларининг биринчиси - «Хуш дар дам» рашҳасида ичдан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги кераклиги таъкидланган. Ҳатто, ҳар бир кириб чиқаётган нафасингиз ҳам огоҳликдан иборат бўлсин, айни пайтда уни тушуниб, ҳузур қилинг, дея таълим беради.

Ғофилликка йўл қўйганлар, ҳушёрликни қўлдан бой берганлар бегона ва ёт ғояларнинг таъсирига берилиб, уларнинг ширин сўзи ва ҳатто «чой-чақаси»га учиб, ғафлатда қолганлар-чи? Улар бугунги кунда жуда афсус-надомат чекмоқдалар. Ана шундай ғоялар таъсирига тушиб қолиб, ғафлатда қолганликларини ва уларнинг ота-оналари ёки яқин кишилари чекаётган ғам-андуҳларини республика телевидениесида берилаётган кўрсатувлар орқали хабарингиз бор. Яхшиям, адашганликларини чиндан тан олганлар, нотўғри йўлга кириб қолганликларидан пушаймон бўлганлар Юртбошимиз Фармонлари билан кечирилди. Эндиликда уларнинг ўқиш ёки иш жойларига қайтиб келиб, ўз фаолиятларининг тикланганлигидан маҳалла фаоллари, уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд бўлишмоқда.

Бола онгги ҳам бирданига ёт ғояларга берилиб қолмайди. У аввало, мактаб ва оила таълим-тарбиясида оқсай бошлайди. Айрим фанларни ўзлаштира олмайди. Мактабдан, оила тарбиясидан узоқлашади, маҳалла аҳли, ота-онаси ўгитига қулоқ тутмайди, ўқитувчисининг, мураббийларнинг насиҳатларини назар қилмайди. Кейин эса чекишга, ичишга, саёқ юришга ўрганади, бировларга озор беради. Унда тубан иллатлар кўпая бошлайди.

Табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, жамиятда, мафкурада ҳам бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Юртимизнинг геополитик жиҳатдан ғоят қулайлиги, интеллектуал салоҳияти ва табиий заҳираларга бойлиги хориждаги айрим давлат, гуруҳ ва оқимларнинг диққатини тортаётганлиги сир эмас. Мафкура «полигон»ларида янги «химоячи»лар, "тўғри йўл" кўрсатувчилар ва бошқалар пайдо бўлмоқда. Оммавий ахборот воситалари, кино ва санъатнинг бошқа турлари, чет эллар билан ҳамкорлик туфайли юртимизга кириб келаётган бегона ғоялар ва мафкуралар ҳаётимизга таҳдид солмоқда. Кейинги пайтларда телевидение орқали берилаётган айрим кўпсерияли фильмларда намойиш қилинаётган кўрсатувларда ҳам ўзбек оиласи тарбиясига тўғри келмайдиган жиҳатлари бор. Баъзилар телевизорни ўчириб қўйишни тавсия этишмоқда. Тақиқланган нарсага боланинг ўч бўлишини ўйласак, у қўшни ёки синфдошининг уйида ҳам уни кўриб келиши мумкин. Лекин ўсмир онгига жойлашиб олган ўша ғояни ўчириш телевизорни ўчиришга нисбатан ҳийла қийин кечса ажабмас.

ЎТА МУҲИМ ВАЗИФА

Ғоявий бўшлиқ нима? Ёт ва бегона ғоялар, зарарли мафкуралар, мафкуравий таҳдидлар уларнинг шаклари ва турлари - фожиали оқибатлари, огоҳ ва ҳушёр бўлиш учун миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ўрганиш, эътиқод ва дунёқарашни шакллантириш ва ниҳоят мафкуравий иммунитетни қандай қилиб шакллантириш йўлларини тушунтиришлари зарур. Ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, ҳаётий заруратга айланаётган янгича қарашлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келган ғоявий бўшлиққа ҳозирги фанимиз муносиб баҳо берди. Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, «Тафаккур» журнали, «Туркистон» газетаси, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги вакилларининг саволларига жавобларида, кейинги вақтлардаги нутқ ва чиқишларида, Олий Мажлиснинг қатор сессияларидаги маърузаларида халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини сақлаш учун бутун аҳоли ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини қалтис, ўта мураккаб мустақиллигимизнинг тақдирини ҳал қаладиган масалаларга қаратди ва уларнинг тўғри ва оқилона ечимини кўрсатиб берди.

Президентимиз асарларида, шунингдек, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарслик китобларида юқоридаги тушунча ва тамойиллар илмий, фалсафий, амалий жиҳатлардан етарлича таҳлил қилиниб, асослаб берилган. Эндиликда эса асосий вазифамиз уни мукаммал ўрганиш, ўзлаштириш, амал қилиш, маҳаллий мисоллар билан бойитган ҳолда жамоатчиликка, маҳалла аҳлига кенг тарғиб қилишдан, тушунтиришдан иборатдир.

Мустабид давр мафкураси катта куч билан ҳар бир фуқаро онгига ўз ғоясини сингдириш учун узлуксиз таъсир қилиб турган. Тасаввур қилинг: ана шундай «тарғибот армияси»нинг мафкуравий фаолияти бирдан тўхташга мажбур бўлди. Бу бўшлиқ эса тезда тўлдирилиши талаб қилинади.

Агар шахснинг онги бўш бўлса, маълумки у фаолият кўрсатишдан ожиздир. Шу мантиққа биноан ваакумли онг ташқаридаги ҳар қандай ахборотни қабул қилишга муҳтож бўлади. Мустақиллигимизнинг илк даврларида ана шундай ўта қалтис муҳитда, жамият руҳияти ва тафаккурида мураккаб жараёнлар бошланган эди. Эндиликда «мураккаб жараён» тушунчаси Миллий истиқлол ғояси фанида алоҳида тадқиқот талаб мавзу бўлиб қолдики, уни объектив равишда илмий нуқтаи назардан ўрганган сайин жамиятимиздаги айрим муаммолар ўзининг ғоявий ечимини топмоқда.

Ўшанда жамиятимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий дастурларига, ижтимоий фанларнинг ижтимоий тараққиёт мантиғидан келиб чиққан асосли қоидаларига, тавсияларига муҳтожлик сезилганди. Ғоявий беқарорлик муҳитидан фойдаланиб, турли зарарли ғоялар, оқимлар ўз таъсирини ўтказиб қолганлиги энг ачинарлиси бўлди. Эндиликда минбаъд бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмаслигини зинҳор унутмаслигимиз, ёшлар онги ва дунёқарашининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлигини маҳалланинг фаоллари, тарбиячилари доимо ҳис қилишлари зарур.

Бугун юрт озодлиги ва мустақиллиги неъматини қалбан ва ақлан ҳис қиладиган ватанпарварлар, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, моддий-маънавий ўзгаришларни чуқур таҳлил қиладиган сиёсатшунослармиз, маърифатчи ва маънавиятчиларимиз миллий истиқлол ғоясини шакллантирдилар. Бу миллий ғоя - биз учун дастурил амалдир. Онгимиз, шууримиз кун сайин Ватанга муҳаббат туйғуси билан нурланиб, жилоланиб бормоқда. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун курашмоқдамиз ва келажаги буюк давлат қуриш йўлида мустаҳкам қадам қўймоқдамиз.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ.

● **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар олдидан ўйлар**

ДИЛДАГИСИ ТИЛГА КЎЧГАНДА...

Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласида бир вақтлар Тош ака Норов деган оқсоқол бўларди. Кўзида меҳр, тилида асал, қалбида олов бор эди. Яримта нонини ҳамиша маҳалладошлари билан баҳам кўрарди.

Одамларни сира ранжитмас, ҳар қандай мушкулни силлиққина ечар, ҳатто қабулига келган кишининг муддаоси ҳосил бўлмаса кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқарди. Маҳаллага 30 йилдан ортиқ раислик қилган ана шу одамохун инсоннинг оламдан ўтганига бир неча йиллар бўлса ҳам, унинг фазилатлари, фидойилиги, жонкуярлиги ҳақида ҳали ҳамон одамлар оғзидан бол томиб гапиришади.

Айни вақтда эли, маҳалласи учун жон фидо этадиган, эрта-ю-кеч улар шодлиги ва ғамига шерик бўлиб яшайдиган фуқаро йиғини раислари йўқми? Бор, улар кўпчилик ва номларини ҳамиша фахр билан тилга оламиз. Афсуски улар ичида қўрс ва қўпол, масалаларга сира замон талаби нуқтаи назари билан қарамайдиган, маҳалла аҳлига қайишмайдиган, атрофдагилари билан маслаҳатлашмай якка ҳокимлик билан иш юритадиган, фуқародан қандайдир манфаат кўришни ўйлайдиган, ҳатто бериладиган нафақа, ёрдам пулларидан ҳам «улуш» олишни кўзлайдиган оқсоқоллар ҳам йўқ эмаслиги айни ҳақиқат.

«Ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларини, шу жумладан, мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлаш»га алоҳида аҳамият қаратилиши лозимлиги қайд этилади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида.

Бу адолатли ечим. Аслида ҳам шундай бўлмоғи шарт. Аммо баъзи шаҳар ва туманларда бу шартларнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Ҳозиргача бўлган сайловларда кўчалардан сайланган вакиллар қатнашган, холос. Шундай бўлгач кўчабошилар ва маҳалла фаоллари ҳар кўчадан амалдаги оқсоқолга яқин кишиларни умумий сайловларга вакил қилиб оладилар. «Тўйдан кейин томоша» деганларидек, сайлов ўтгач «Биз норозимиз, оқсоқол номига муносиб эмас» деган гап-сўзлар, айрим қолларда жанжаллар алламаҳалгача давом этади. Ва гувоҳмизки, баъзида қайта сайлов ўтказиш ҳоллари ҳам рўй беради. Бизнингча оқсоқолни маҳалланинг умумий йиғилишида кўпчилик аҳоли иштирокида сайлаган маъқул.

Маҳалланинг бир каттагина ташкилотдан юмушларидан ортиқ ташвишлари, муаммолари бор. Бунинг устига унга йил давомида сарфлайдиган сарф-харажатлар учун маблағ ажратилмайди. Бунга ўз ҳаракати билан эришмоғи лозим.

Шу боис ҳам оқсоқол аввало уддабурро, иқтидорли, ғайратли ва ташаббускор, ҳар қандай масалада етти ўлчаб бир кесадиган инсон бўлмоғи даркор. Бундай оқсоқоллар бор.

Ишлашни ўзига эп кўрмайдиган, «Олма пиш, оғзимга туш» деб йиғилган оёғини ёзмайдиган, жилла бўлмаса аҳолидан газ, сув ва бошқа тўловларни тўплашга ташкилотларга ёрдам кўрсатиб ажратилган фоизни ҳам олишни уддалай олмайдиган оқсоқоллар ҳам бор. Боз устига улар мансабдор қариндош-уруғлари, ўғил-қизлари, ҳеч бўлмаганда обрўли қудалари туфайли қайта-қайта сайланадилар.

Тўйлар ҳақида, уларни ихчам ва камхаражат қилиб ўтказиш юзасидан тегишли тавсиялар берилаётир.

Хўш, уларни амалга оширишда ким масъул? Биринчи навбатда маҳалла оқсоқоллари, тўй комиссиялари ва мутасадди фаоллар. Ваҳоланки улар бу соҳада дадил фикр айта олмаяптилар. Шунинг учун ҳам тўйлар ниҳоятда дабдабали, ҳам ким ўзарга усулида давом этмоқда. Шуниси жуда ва жуда ҳайратланарлики, баъзи оқсоқоллар тўйларнинг дабдабали бўлиши ташаббускори бўлмоқдалар. Бир тўйда оқсоқол қизнинг отасидан куёв томондан олиб келинган харажатларни сўрайди. Ота бир қўй, 50 килограмм гуруч ва шунга яраша афзал олиб келинганини айтди. Оқсоқол бўлар урвоқ ҳам бўлмаслигини, маҳалла ҳузурида катта-катта ташкилотлар борлигини, бир қозон ош ҳатто ўшаларга улашиши учун етмаслигини айтиб, «уддаласа тўй қилсинда, қиз олаяптику ахир» деб қудаларга дашном берди. Сиёсатимиз, урф-одатларимиз зид йўл тутаётган бундай оқсоқоллар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?!

Айрим оқсоқоллар тўйларни дабдабали маърузалар билан очиш, тўйхонада эртадан кечгача қимирламай ўтиришни одат қилиб олганлар. Бу шарт эмас. Бу борада комиссиялари, кўчабошилар, фаолларга ҳам ўрин бериш керак. Меҳмонларни кўпни кўрган, обрўли, эътиборли кексалар кутиб олгани ва кузатгани нақадар файзли. Баъзи оқсоқолларнинг давра тўрида ўзига мос улфатлар билан давра қуриб тўй эгасининг ҳоли жонига қўймай ҳали уни, ҳали буни буюриб ичкиликдан бош кўтармай ўтириши эса ҳеч бир қуюшқонда турмайди. Яна эртасига тўй эгасига «Кеча хизматни ҳам дўндирдикда, яна шунақа камтармиз» деб мақтагани ортиқча.

Инсон ҳаётида учраши табиий бўлган мотам маросимлари ҳақида ҳам шундай фикрдамиз. Оқсоқолнинг азадор хонадонда кун бўйи ўтириши шарт эмас. Ахир унинг минг бир ташвиши бор.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Маҳаллаларимизда бунёд этилаётган спорт майдонларини, уларда спортнинг ўзлари ёқтирган тури билан шуғулланаётган ўсмир ўғил-қизларимизни кўриб кишининг кўзи қувнайди. Чунки ёшларимизнинг баркамол ўсишида спортнинг катта ҳиссаси борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу ўринда юртимизда спорт иншоотларининг кўпайиши баробарида спорт анжомлари, махсус либослар ва бошқа керакли жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳам сони ортиб бораётгани қувончли ҳолдир.

Қарши шаҳрида фаолият юритаётган «Ўзбекистон-Покистон ЛТД» қўшма корхонасида ҳам турли спорт анжомлари ватўплар ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: қўшма корхона ишчилари Ш.Жўраева, Ф.Эргашева ва Д.Алиқуловалар.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

● *Нафақалар тўғри тайинланганми?*

АРИЗАЧИ НАФАҚА СЎРАСА...

Бухоро вилояти Когон тумани фуқаролар йиғинларининг бу борадаги фаолиятига бир назар

Тумандаги баъзи маҳалла фуқаролар йиғинларида мутахассис ажратилган ҳолда нафақалар тайинланишининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширишда хато ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Фуқаро Муҳайё Раҳимова 2003 йилнинг 17 март куни Когон шаҳар Бухорои шариф маҳалласи фуқаролар йиғинига қарамоғида бўлган 1 нафар фарзандига 2 ёшгача болалар нафақасини тайинлашни сўраб мурожаат қилган. Комиссия томонидан фуқаро М.Раҳимованинг аризаси кўриб чиқилиб, 2003 йил 19 март кунидаги 7-сон мажлис баённомасининг қарорига асосан йиғинга келмаганлиги сабабли ариза асоссиз рад қилиниб, қонун талаби унутилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомининг 15-бандида «...нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ариза берувчи шахс ёки оиланинг бошқа вакили йиғинда иштирок этмаган тақдирда мазкур оилага нафақа тайинлаш масаласи кўриб чиқилмаслиги ва фуқаролар йиғинининг кейинги йиғилишига қолдирилиши лозим» лиги қайд этиб қўйилганини ишчи комиссия гуруҳидагилар хотиридан фаромуш бўлган.

Фуқаро Муҳаббат Нуруллаева 2003 йилнинг 19 май куни Когон шаҳар Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинига қарамоғида бўлган икки нафар фарзандига 16 ёшгача болалар нафақасини тайинлашни сўраб мурожаат қилди. Комиссия томонидан фуқаро М.Нуруллаеванинг аризаси кўриб чиқилди. Буни қарангки, мазкур маҳалла комиссия гуруҳидагилар ҳам «доимий яшаш жойидан нафақа олиш лозим бўлганлиги сабабли рад этилди» деб мурожаатига рад жавоб беришган. Ҳолбуки аризачи айни шу маҳалла ҳудудида яшайди.

Мазкур Низомнинг 4-бандига асосан тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг 1,75 фоизи миқдорида белгилаб қўйилган.

Фуқаро Дилором Рустамова 4 нафар вояга етмаган фарзанди учун нафақа тайинлашларини сўраб ўзи яшаб турган Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Маҳалладагилар оиланинг яшаш шароити билан танишиб, 2002 йил 19 декабрдаги 1-сон мажлис баённомасига асосан жорий йилнинг январь ойидан бошлаб 6349 сўм миқдорда нафақа тайинлашди. 2002 йилнинг декабр ойида энг кам ойлик иш ҳақи 4535 сўм белгиланганлиги инобатга олинса, фуқаро Д.Рустамовага 7936 сўм нафақа тайинланиши лозим эди. Инсон манфаатлари кўзланган қонун талабларини ҳар биримиз алоҳида ҳурмат қилган ҳолда амалга оширишимиз зарур. Бундай хатолар фуқаролик жамиятига ярашмайди.

Феруз ОЧИЛОВ,
Когон шаҳар прокурори ёрдамчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси

● *Узоқни кўзлаганлар...*

ЮЗ ЁШЛИ ОТАЖОН ОТА ҲАМОН САБОҚ БЕРАДИ

Яқинда Элликқалъа тумани Қошкўра овулидаги Отажоновлар хонадонига Элликқалъа туманидангина эмас, балки қўшни Тўрткўл, Беруний туманларидан, Нукус, Хужайли шаҳарларидан, Хоразм вилоятидан юзлаб меҳмонлар мамлакатимиздаги энг кекса муаллим Отажон бобо Каримовнинг муборак юз ёшини тантаналли вазиятда нишонлаш учун йиғилишди. 80 йилдан буён шарафли, муқаддас шу баробарида қийин ҳамда масъулиятли касбни эзозлаб келган, айни пайтда, яъни табаррук бир асрлик ёшга тўлса ҳам ҳафтасига бир соат ўқувчиларга дарс бераётган бобони туман ҳокимидан тортиб, эндигина мактабга борган жажжи қизалоқгача чин дилдан муборакбод этди.

Хуллас, бу серфайз оқшомда ўз касбини эъзозлаган, ажойиб тақдирли инсонга саксон йиллик самарали меҳнатлари учун эъзоз ва эҳтиром билдирилди.

- Бутун ҳаёти давомида ҳалол меҳнат билан кун кечирган, овулдошлари ҳурмат билан «Отажон пўлат» деб эъзоздайдиган бу инсон ўқитувчиликни 1924 йили 1 августидан бошлаган. Ўшандаги Сахтиён овулидаги Собир қорачи деган бой кишининг ҳовлисида умид ва ҳайрат билан доскага тикилган ўн бир нафар болалардан ҳаётлари ҳозир 90 ёшга чамалаб келди. Шу даврдан буён у киши ҳамиша сафда.

- Падаримиз Карим Пўлатнинг «Ўғлим, ҳалол меҳнатнинг таги ҳамиша роҳат», деган ўгитлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди, - дея суҳбатини давом қилади отахон Бир умр меҳнат қилиб кам бўлмадик Фарзандларимизни ҳам умр йўлдошим Ҳанифа билан шунга ўргатдик,етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Катта ўғлим Боғибек фан номзоди, Тошкент Автомобил йўллари институтида ўқитувчи. Умрларини берган бўлсин, 21 невараларим, 72 чеваралим,35 эваралим бор. Шогирдларим жуда кўп. Улардан баъзилари, жумладан хизмат кўрсатган ўқитувчилар Қодир Тожибоев, Аминбой Исмоиловлар ҳафтада бир ров бўлса ҳам келишиб, хол-аҳвол сўраб кетишади. Ёки мактабда, ёки туман маркази Бўстон шаҳрида учрашиб қоламиз. Дарвоқе, камина ҳафтада бир кун албатта Бўстондаги марказий кутубхонага бориб, газета-журналларни мутоала қиламан. Сабаби айни пайтда газета-журналларга обуна бўлишнинг ўзи бўлмайди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.
Суратда: юз ёшни қаршилаган Отажон КАРИМОВ.

Навоий вилояти

Маҳалла фаоллари ҳақида ҳикоялар

ЎРИН АКАНИНГ ЎРНИ

Инсоннинг қадр-қиммати, обрў-эътибори унинг эл-юрт учун қилган хизматлари билан баҳоланади. Қизилтепа туманида шундай кишилар талайгина. Улардан бири кўп йиллар давомида турли соҳаларда хизмат қилиб, бугунги кунда фаоллар қаторида, маҳалла иши учун жонбозлик кўрсатиб келаётган Ўрин ака Жумаевдир.

У узоқ йиллар туман матлубот жамиятида ишлаб, уни республикада олдинги ўринларга олиб чиқди. Қилган меҳнатлари эвазига "Шуҳрат" ва бошқа бир қанча медаллар билан тақдирланди. Бугунги кунда Ўрин ака нафақага чиқиб, Фурқат номли маҳалланинг жонкуяри сифатида танилган.

- Нафақага чиқиб ҳам маҳалла учун жон куйдираётган қарияларимиз кўп. Ўрин ака Жумаев ана шундай фаолларимиздан биридир, - дейди биз билан суҳбатда туман Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси раиси Исмоил ака Ҳусейнов.

Дарҳақиқат, кўчаларни ободонлаштириш, гулзорлаштириш ишларида тиниб-тинчимас қариялар ёшларга бош-қош бўлишмоқда.

Айниқса, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва маърака, маросимларни тартибга солиш ва ихчамлаштириб ўтказиш борасида уларнинг ўрни алоҳида. "Тўй-ҳашамларни камчиқим қилиб, имкон бўлса ортиқча харажат ўрнига кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечак олиб бериш каби савобли ишларни тарғиб қилаяпмиз", - дейди Ўрин ака Жумаев. Ҳа, Ўрин аканинг эл-юрт орасида ўрни бор.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Тадқиқот ва тафсилот

"Аслида, дунёда нечта тил мавжуд?", "Уларнинг аҳволи қандай?"Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи инсонлар 6000 дан зиёд тилда мулоқот қилишади. Ана шу тилларнинг деярли ярми унутилиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Мутахассисларнинг эътироф этишича, агар жамиятда вояга етаётган болаларнинг 30 фоизидан кўпи ўз она тилини ўрганишни тўхтатса, шу тил устидан унинг келажакда йўқ бўлиб кетиши ҳақида ҳукм чиқарилган, дейиш мумкин экан.

ДУНЁ ТИЛЛАРИ...

уларнинг тақдири қандай кечмоқда?

1999 йилнинг кузида ЮНЕСКО Бош анжумани "Она тили халқаро куни"ни белгилаш ҳақида қарор қабул қилгач, ушбу сана илк маротаба 2000 йилнинг 21 февралида барча қитъаларда кенг нишонланди.

Орадан яна бир йил ўтгач, яъни 2001 йилнинг 21 февралида ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида дунёда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган тиллар атласининг тақдимот маросими ўтказилди.

Атлас 14 рангли харита ва 24 саҳифага тенг шарҳдан иборат. Сайёрамизда кўп тиллилик тарихга айланиши мумкин бўлган нуқталар харитада ажратиб кўрсатилган.

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, ғарбий ва жанубий Сибирдаги кўплаб маҳаллий тиллар йўқ бўлиб кетиш арафасида экан. Улар орасида фин-угор тилларидан ханти, манси, коми, мари ва бошқалар самоед тили ненци, туркий тиллардан ёқут, тува, хакас, долган, олтой ва бошқалар, ҳамда тунгус-манчжур тилларига мансуб нанай, негидал, орок, ороч, удэгей, улч, эвенк ва бошқа бир қатор тиллар мавжуд. Йўқ бўлиб бораётган тилларнинг Қизил китобига Россияда истиқомат қилувчи 63 кичик миллат ва элат тиллари киритилган. Бунинг асосий сабаби сифатида давлатнинг ушбу тилларни мактаб дастуридан чиқариб ташлаш хусусидаги сиёсати эътироф этилган.

Кавказда Доғистон ва Грузияда истиқомат қилувчи бир қатор миллатларнинг тиллари фақат эски адабиётлардагина қоладиган кўринади.

Кўхна қитъа Европада ҳам элликка яқин тилларни тез орада ҳеч ким тушунмаса керак. Скандинавия мамлакатлари ва Россия шимолида яшовчи аҳоли фойдаланган лапландлар тили ҳалокатга маҳкум этилган кўринади. Францияда 14 тил ва шева йўқ бўлиб кетиши тахмин қилинмоқда.

Сўнгги йилларда Европанинг мамлакат аҳолиси фойдаланувчи барча тилларни сақлаб қолишга қаратилган давлат миқёсидаги чора-тадбирларини фақат Норвегия ва Швейцария мисолидагина қайд этиш мумкин.

Хитойда хитой тилининг мамлакат шимоли-шарқида, шимоли-ғарби ва ғарбида бошқа тилларга тазйиқ ўтказиши халқаро тилшуносликнинг бирлашган ташкилоти томонидан таъкидланган. Ҳиндистонда аксарият тиллар авлоддан-авлодга ўтишда давом этмоқда. Фақатгина Ҳимолай ва Помир этакларида истиқомат қилувчи айрим халқ ва элатлар ўз она тилини аста-секин унутиб, бошқа тилларни фойдалана бошлаган. Андаман ороллари онге ва шомпен тилларида ҳозирги кунда бор йўғи бир неча ўн кишигина сўзлашади холос.

Америка қитъасида Канада эскимос ва ҳиндуларнинг 104 тилини сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Мексикада маҳаллий тиллардан 14 таси тез орада умуман унутилиши башорат қилинмоқда.

Африкдаги кўплаб давлатларда суахили каби "катта" тилларнинг ҳамда жаҳон тилларининг кенг тарқалиши мақсадга мувофиқ саналмоқда. 1400 маҳаллий тил орасида 250 дан зиёди унутилиш хавфи остида экан. Шунингдек, 500-600 тилнинг йўқ бўлиб кетаётгани ҳам ҳеч гап эмас шекилли. Қитъада она тилларининг мавқеи нуқтаи назаридан энг нохуш аҳвол Нигерия, Эфиопия, Кения, Уганда, Танзания ва Судан каби давлатларда кузатилмоқда.

2001 йилнинг 2 ноябрида ЮНЕСКО Бош анжумани Маданий хилма-хиллик тўғрисида умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Тилларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ва чора-тадбирлар қўллаш зарурлиги эътироф этилди. ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқи топшириғига биноан Токио университети йўқ бўлиб кетаётган тиллар бўйича маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш билан шуғулланмоқда.

ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура ўз чиқишларидан бирида, жумладан, шундай деган эди: "Она тили халқаро куни"да биз барча тилларнинг тенг ҳуқуқли эканини алоҳида эътироф этамиз, чунки ҳар бир тил инсоният асраб-авайлаши лозим бўлган мерос ҳисобланади.

Мамлакатимизда маънавий бойлигимиз бўлган ўзбек тилини тараққий топтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Асоссиз унутилиб, четга суриб чиқарилаётган бир қатор сўз ва бирикмалар яна фаол қўлланила бошлади, илмий-техник тараққиёт туфайли тилимизга хорижий тиллардан янги атамалар кириб, ўз ўрнини топмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг тил эркинлиги қонун томонидан таъминланмоқда. Мамлакатимизда вояга етаётган фарзандлар турли тилларда таҳсил олиш имконига эгалар. Фуқаролар давлат идораларига ўзларига маъқул тилда мурожаат қилишлари учун шарт-шароит яратилган. Оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бир қаторда, мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжига қараб, бошқа тилларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Яна бир ҳолатга эътиборни тортмоқчимиз - ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 14 йил тўлди. Биз турли миллат ва элат фарзандлари бўлмиш ватандошларимиз ўзларининг она тиллари билан бир қаторда давлат тилини ҳам мукаммал ўрганишлари зарурлигини чуқур тушуниб етишлари ва бу борада зарур чора-тадбирларни қўллашларини истар эдик. Зеро, давлат тили ҳақидаги қонунда ушбу қонуннинг тўла-тўкис амал қиладиган муддати - 2005 йилнинг 1 сентябрига тобора оз муддат қолаяпти. Ўзбек тилини ўрганишни пайсалга солишнинг вақти ўтди.

Аммо мамлакатимизнинг турли миллат ва элатга мансуб фуқаролари давлат тилини ўрганишлари учун жаҳон андазаларига мос равишда турли янги ўқув қўлланмаларини, луғатларни яратиш ҳам диққат марказимизда бўлмоғи лозим. Тил ўрганиш жараёнида бевосита кўмаклашувчи муаллимларни тайёрлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳим ишга жамоатчилик эътиборини мунтазам равишда жалб этиш шарт. Шундай қилинганда эҳтиёж ва имкониятлар бир-бирига мос ва монанд бўлишига эришиш мумкин.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Олам турфа



13 РАҚАМИДАН ҲАЛИЯМ «ҚЎРҚИШАДИ»

Ойнинг 13-числоси тўғри келадиган ҳар жума куни Чикаго меҳмонхоналаридан бирида 13-хонада 13 та ойнани синдириш учун 13 киши йиғилади.

Гўё шу билан «бахтсиз» кунни «бахтли» қилишади. Умуман олганда, америкаликларнинг кўпчилиги 13 рақамидан жуда «қўрқишади». Шунинг учун бўлса керак, Нью-Йоркдаги нашриётлардан бири ҳар йили йилнома (календар)ни 13 рақамисиз чиқаради, яъни 13 ўрнига икки марта 12 рақамини қўллайди. Кўп меҳмонхоналарда эса 13-хона йўқ. Айрим самолётларда ҳам 13-жойни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, касалхоналарда ҳам аҳвол шу.

СУВ УСТИДА УЙҚУ

Ҳозирги кунда йигирма миллиондан ортиқ американликлар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшакларда ухлашади.

Бундай усул бир неча йиллар муқаддам Америкада, тўғрироғи, Калифорнияда пайдо бўлганди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, турли бел оғриқларидан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда бераркан.

КУЯЛАР БИЛАР СИНАШ

Англиянинг Брэдфорд шаҳрида дунёда ягона бўлган куя етиштирувчи ферма бор. Одамларга, тўғрироғи, уларнинг буюмларига жиддий зарар етказадиган бу митти капалак нима учун керак бўлиб қолди?

Бу ферманинг хизматидан бутун Буюк Британиянинг тўқимачилик фабрикалари фойдаланиб келади. Улар ўзларининг жундан тўқилган матолари намунасини худди шу ерга жўнатадилар. Брэдфордда яшовчи мутахассислар ўзларининг қанотли «ёрдамчилари» ёрдамида қайси жун газлама зараркунандаларга чидамли ёки қайси бирини куялар ҳужумидан сақлаш учун кимёвий ишлаш кераклигини бехато «айтиб» бера олади.

Фарғона вилояти

Фурқат номли тумандаги «Ишонч» ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги технологик ускуналар билан қайта жиҳозланган. Шунинг учун ҳам унда бир йилда 4500 тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 75 фойзи Туркия, Америка, Россия ва Украина каби чет элларга экспорт қилинмоқда. Ҳиссадорлик жамиятида 810 нафар ишчи янги ўрнатилган турли хил техник автоматлашган машиналарни бошқариш ҳисобига сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Сиз суратда «Ишонч»нинг илғор ип йигирувчиси Нилўзар Султоновани кўриб турибсиз.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

● Маҳалла ва суд

ОИЛА БАРҚАРОР БЎЛСИН

*** Фуқаро маҳаллада яшайди ва у суд маҳалла билан ишлаши керак.**
*** Туманлараро эмас, туман суди бўлса деган таклиф бор.**

Сир эмас, ҳар биримизнинг юриш-туришимиз, оиламиз хатти-ҳаракати жамоатчилик назаридан, маҳалла аҳли эътиборидан четда қолмайди. Вилоят ва туман ҳокимликлари, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, маҳалла оқсоқоллари билан фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди маҳаллаларимиздаги ижтимоий ҳаётни яна ҳам тинч, барқарор бўлишини таъминлаш, жўнроқ қилиб айтганда, турли хил оилаларнинг турмушидаги вақтинчалик низоларнинг олдини олишда ва ҳал қилишда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими билан бирга 2003 йил июл-август ойларида вилоятнинг барча туманларида маҳалла оқсоқоллари ва яраштирув комиссиялари учун семинарлар уюштирдилар.

Маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари бошқа жамоат ташкилотлари, оқсоқоллар фаолларининг аралашуви, панд-насиҳатлари билан 2003 йил 6 ойда вилоятимиздаги судларга никоҳдан ажратиш ҳақида ариза берганларнинг 7 фоизининг оилалари тикланиб, эр-хотинлар яраштирилиб юборилди. Маҳалладаги обрўли ҳурматга сазовор кишилар, фахрийларнинг ҳар бир сўзи, уларнинг ҳаёт, тажрибаси ёшлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий статистика рақамларига мурожаат этадиган бўлсак, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг 28,3 фоизи оилада ота-онасиз тарбияланаётганлар эканлигини кўрамиз. Демак, тарбияни оиладан бошласак жиноятчиликнинг ҳам олдини олган бўлардик. Бунинг учун эса маҳалланинг роли, аҳамияти беқиёс эканлигини ҳаёт кўрсатиб турипти.Шу сабабли ҳам фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва туманлараро судларимиз маҳалла оқсоқоллари, ўзини-ўзи бошқариш идорлари фаоллари билан бу борада олиб бораётган ишларда доимо ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, суд ишларини кўриш давомида маҳалла оқсоқоллари, судга иши тушган шахслар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг икки, уч туман аҳолисига хизмат кўрсатишини, бу ҳолат эса аҳолига, судга ва маҳаллага қийинчилик туғдираётганини, шу боис фуқаролик ишлари бўйича судлари ҳар бир туманда очилса ҳуқуқий тарғиботда ҳам, низоли ишларни тез ва осон ҳал бўлишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин эди, деган таклифларни бермоқдалар.Бу таклифда албатта жон бор. Ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари икки ёки уч тумани аҳолисига хизмат кўрсатади. Ҳар бир судьяга 2003 йилнинг биринчи ярим йилида бир ойда 73 та фуқаролик ишини ҳал этишга тўғри келди. Туманларга бориб бундай ҳажмда иш кўриш,аҳолини қабул қилиш ва яна ҳуқуқий тарғибот ўтказишнинг албатта ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Бу борада албатта юқори ташкилотларимиз орқали мутасадди идоралар олдига тегишли таклифларни қўйсак ўринли бўлур эди.

Қашқадарё вилояти

Ў.ХОНКЕЛДИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раиси.

● Суд залидан

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрида туғилган Зарина Ҳамроқулова бир неча бор ўзгалар мулкига кўз олайтириб, кўзи очилмаган экан. Гарчи у 1997 йилда Самарқанд туман суди томонидан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва шартли ҳукмга айлантирилиб, унга 2 йил синов муддати белгиланган бўлса-да, 2001 йилда Чилонзор туман суди томонидан яна судланиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди.

ЗАРИНАГА ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

У ундан фойдалана олармикин?

У яна жиноят кўчасига кирди. 2003 йил 23 июн куни Пастарғом тумани Мевали қишлоғида автомашинадан тушиб қолиб Самарқанд-Каттақўрғон транспорт қатнов йўлининг четида дарахтга боғлоқлиқ турган бир бош сигирни атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ечиб олиб яширин равишда ўғирлаб кетаётганида уни жабрланувчи Гулшан Муртазоева ва унинг танишлари қўлга туширишади.

Эндигина 26 ёшга кирган Заринани ўғирлик қилишга нима мажбур қилди? Нега у бу қинғир ишга учинчи бор қўл урди? Ёки "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганлари тўғримикан?

- Ҳақиқатдан ҳам икки марта ножўя ҳаттиҳаракатларим учун суд томонидан жазоланганман, - дея кўргазма берди З.Ҳамроқулова суд жараёнида. - Бироқ, жазони ўтаб чиққанимдан сўнг Навоий туманидаги Жалойир қишлоғида яшовчи Мирзаев Зафар билан танишиб, турмуш қурдик. У билан никоҳсиз равишда бирга яшаб келяпман. Турмуш ўртоғимнинг опасидан пул қарз олган эдим. Ана шу пулни эгасига қайтариш мақсадида ўғирликка қўл урдим, қилган ишимдан пушаймонман.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деб бежиз айтишмаган. Сир очилди. Мол эгасига қайтарилди. Аммо кўп кишининг кўнглида бир умрга ўчмас доғ пайдо бўлди. Бундан кейин Гулшан Муртазоева сингари молини ўз ҳолига ташлаб кетувчилар эҳтиётроқ бўлишар. З.Ҳамроқуловага Пастарғом тумани жиноят ишлари бўйича судининг шу йил 6 август куни чиқарган ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисми "А" банди билан беш йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Унга нисбатан белгиланган жазо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартлига айлантирилиб, 2 йил синов муддати белгиланди.

Зарина учун яна бир имконият туғилди. Агар синов даврида ҳалол меҳнат қилиб ўз йўлини топиб олса нур устига эзъло нур. Акс ҳолда...

Рустам МАРДИЕВ,
Пастдарғом тумани жиноят ишлари бўйича судининг судьяси.
Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист.

Наманган вилояти

ЙИҒИНИМИЗ БИНОЛИ БЎЛДИ

Ҳали-ҳозиргача йиғинимиз учун алоҳида бино йўқ эди. Мўъжазгина мослаштирилган бир хонада барча юмушларни бажаришга мажбур эдик.

Мазкур йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан кексалар, тадбиркору фермерлар узоқ йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган махсус бино қуриш ташаббусини ўртага ташлашди. Энг аввало Муҳаммаджон Ғаффоров, Мирзаахмад Ёқуббоев, Қамбарали Воҳидов каби тадбиркору фермерлар қурилишни моддий таъминотини ўз зиммаларига олишди.

Тўрт хонадан иборат янги маъмурий бинога йилнинг қишли-қировли дастлабки кунларида биринчи ғишт қўйилиб, ҳашар бошланди.

Кўпчиликдан қуён қочиб қутила олмайди деганларидек, етти-саккиз ой деганда яхшигина бинога эга бўлдик. Унинг қад ростлашига 530 минг сўм маблағ кетди. Усталар ҳам маҳалладошларимиз бўлгани сабабли қурилиш қимматга тушмади.

Абдулло ПАТТАЛОВ.

● Эзгу ишлар кўп йил яшар

ИШ ЎРИНЛАРИ 2 МИНГТАГА ЕТКАЗИЛДИ

Жарқўрғонда бўлганимда йўлим тикувчилик фабрикасига тушди. Америкалик ҳамкорлар иштирокида қурилган қўшма корхона. Сармоя ҳам, унда шитоб билан ишлаётган дастгоҳлар ҳам чет элдан келтирилган, хомашё эса Жарқўрғонлик деҳқонлар пешона терининг маҳсули. Йилига 1880 тоннага яқин пахта толаси шу ерда қайта ишланади. Йигирилган калава 1632 тоннани ташкил этади. Ундан жаҳон андозаларига мос қарийб икки миллион пагонометр газлама тўқиляпти. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинятти.

- Корхонанинг қурилиши айни муддао бўлди, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Норбой Шомуродов,- негаки хотин-қизларни иш билан таъминлашда ҳар қадамда қийинчиликларга дуч келардик. Бу муаммо ечим топти. 1773 киши ишга жалб этилди. Ҳозир корхонани янада тараққий эттириш чораларини кўряпмиз. Келгуси йил охиригача ишчилар сони 2000 кишига етади. Бунинг учун фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар тури бештага кўпаяди.

Бу ерда америкалик Мэтт Моррисонни учратдик.

- Жарқўрғонда учинчи бор бўлишим, - дейди меҳмон, - ҳар гал келганимда бир янгиликнинг устидан чиқаман. Беқиёс ўзгаришларга гувоҳ бўламан. Очиғини айтсам, ўтиш даврининг қийинчиликлари туман аҳлини довдиратиб қўймаган. Ҳар жабҳада яхши ният билан бошлаган иш муваффақиятли поёнига етказиляпти.

Дарҳақиқат, айни кунда туманимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ётқизилган қувурлар ўттиз уч километрдан ошибди. Табиий газ учун тортилган қувурлар эса қирқ бир километрни ташкил этган. Тўқсон саккиз километр ички йўллар таъмирланган. 2001 йили Какайдида туғруқхона қурилишига пойдевор қўйилди. Бинокорлар намунали меҳнат қилишди. Қўрғондаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғинлари уларга мададкор бўлди. Маҳалла оқсоқоллари иш бошида туришди. Қурилиш ишидаги ками-кўстни битказишга кўмаклашишди. Натижада ишда сурьат ҳам, сифат ҳам кўзга ташланди. 50 ўринга эга бўлган туғруқхона муддатидан олти ой илгари ишга тушди. Туғруқхона шинам қилиб жиҳозланган. Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

"Обод маҳалла йили"да хизмат кўрсатиш корхоналарини ўз ичига олган гузарлар - Минор, Сурхон, Қорабура, Меҳнат-роҳат, Исмоил тепа, Қўлдовли маҳаллаларида қурилиб фойдаланишга топширилди.

Минор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Намуна маҳалласи йигит-қизларининг, айниқса қувончи чексиз. Бунинг боиси замонавий лойиҳа асосида қурилган спорт мажмуаси ёшларга қучоқ очди. Бу ер қисқа вақт ичида жарқўрғонликларнинг севимли масканига айланди. Баскетбол, футбол, теннис майдончалари ҳамиша ёш спортчилар билан гавжум, томошабинлар билан лиқ тўла. Турли спорт мусобақалари шу ўйингоҳда ўтказиляпти. Ўсмирлар футболи бўйича республика биринчилигида қатнашган Қорабура маҳалласи футболчилари ҳам мусобақага ҳозирлик кўришда ана шу майдонда тўп суришди. Ҳозир тумандаги олтмишдан ортиқ маҳалланинг 37 таси ўзининг спорт майдончаларига эга. "Оққўрғон" ҳамда "Шарқ юлдузи" ширкат хўжаликларида, нефтчилар шаҳарчасида ҳам стадионлар бунёд этилди.

Яна бир гап. Барча спорт мажмуаларида мураббийлар тайинланган. Улар ишни маҳаллалардаги тарбиячи-педагоглар, мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ҳамкорликда ташкил этганлар. Бунинг самараси ўлароқ ёшларнинг бўш вақти спорт майдончаларида ўтмоқда. Улар ўзлари ихтиёр этган спор турлари билан шуғулланиб, жисмоний чиниқмоқдалар.

Туман марказидаги бош хиёбон қайта чирой очди. Унда олти юз ўринга мўлжалланган амфитеатр, иккита фаввора қурилди. Мотамсаро она монументи ўрнатилди. Ҳозир бу ер одамлар билан гавжум. Турли хил кўнгилочар тадбирлар ҳам ана шу хиёбонда ўтказилмоқда. Хиёбонни улайдиган Ўзбекистон кўчаси кенгайтирилди, турли чироқлар билан ёритилди. Бозор кўчасини таъмирлаш ишлари ҳам охирлаб қолди.

Туманда фаолият кўрсатаётган ғаллани қайта ишлаш Ўзбекистон-Туркия ҳамда Ўзбекистон-АҚШ тўқимачилик қўшма корхоналаридан ташқари, ўнлаб иншоотлар бевосита ҳокимлик саъй-ҳаракати, ҳомийлар кўмаги асосида бунёд этилди.

Мактабларни таъмирлашни халқ ўз зиммасига олган. Бу йил маҳалла оқсоқолларининг ташкилотчилиги билан 8та мактабда ота-оналар ҳисобидан тўрттадан синфхонадар қурилди. Иккита мактаб газлаштирилди. Ун тўртта мактаб замонавий компьютерлар билан таъминланди. Уч юздан ортиқ ўқувчилар партаси, ўқув анжомлари харид қилинди.

Дарвоқе, бу ишларга фуқароларимизни ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Бағбри кенг, меҳбари дарё ота-оналар, қўли очиқ, саховатпеша фермерлар, тадбиркорлар қалб амри билан мурувват кўрсатмоқдалар.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

БИТИКЛАРДА БИТИЛГАН ТАРИХ

I

Аждодларимизнинг юксак санъати намуналари бўлган ана шу тарихий ёдгорликларга диққат билан қаралса, ундаги ранг-баранг нафис нақшлар орасида жуда моҳирлик билан битилган арабий-форсий ёзувларни кўриш мумкин.

Мана шу биноларнинг улкан пештоқи, девори, шиплари ва эшикларига ўйиб битилган йилномалар, ривоятлар, ҳикматли сўзларни ўша даврнинг қўли гул истеъдодли хаттотлари, тошташлари, усталари ёзиб қолдирганлар ва уларнинг кўп қисми бизнинг давримизгача сақланиб келган ва булар биз учун қимматли санъат асари ҳисобланади.

Меъморчилик - даврлар солномасидир. Ҳар бир меъморий обида ва ундаги нодир ёзувлар муайян тарихий бир даврни таърифлаб берувчи қасидадир. Жумладан, бинони ким қачон ва қай мақсадда қурдирганлиги, қурилишда қатнашган усталарнинг номлари шунингдек, Қуръоний ёзувларни ўқиб билишимиз мумкин. Мана бир мисол: Тошкент шаҳрида XVI асрда қурилган Кўкалдош мадрасаси дарвозасининг кириш қисми Сиркор парчинларида қуйидаги битилган ёзувларни ўқийлик: ***«Ушбу ажойиб бинони ҳижрий 1246 милодий 1830-1831 йилларда Азим Вали ўғли уста Муҳаммад тузатди».*** Кейин шундай деб ёзилган: ***«Бу бино сарой бош қўмондони Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек раҳбарлигида бежирим қилиб ишланди. Инсон ўлими ҳақ, бироқ унинг қилган ишлари абадий қолади, Кошин ишларини уста Олимжон бажарди».***

Самарқанд вилояти Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси бундан 1026 йил илгари яъни 977 йилда қурилганлигини бинода муҳрланган тарихий битиклардан билиб олишимиз мумкин.

Қадимий Самарқандаги меъморий обидалар пештоқлари, эшик устидаги мармар лавҳалар, пойустун ва панжараларида ёзувлар борки, улар маълум бир меъморий иншоот ёки тарихий бир шахснинг ҳаётидаги муҳим воқеаларни бизга ҳикоя қилади. Самарқанднинг машҳур ва гўзал Регистон майдонида жойлашган буюк олим Мирзо Улуғбек мадрасаси ёзги биносининг ғарб томонида жойлашган дарсхона деворига 12 метр узунликда икки қатор хат битилган ва унда шундай сўзлар бор. ***«Ҳақонларнинг иззатлиси, буюк давлат билан илм-маърифат тарқатишни қўшиб бошқарувчи, бошқа подшоҳлардан ҳайъат илмларининг хусусиятлари билан имтиёзланган ва дин - миллат ва адолатли тўғри ишларнинг ҳомийси Султон Улуғбек бин Шоҳруҳ бин Амир Кабир Темур Кўраган тангри салтанатини давом эттирсин, ишларини икки дунёнинг юксак мартабаларига кўтарсин ва олам аҳлига марҳамат ва яхшилигини кўпайтирсин»,*** **ҳижрий 822 йил.**

Тарихий битиклар Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Термиз сингари қадимий шаҳарлардаги биноларда ҳам кўплаб учрайди. Булардан ташқари қадимий қабр тошларда ҳам кўп асрлик тарихий битиклар сақланиб қолган. Бундай битикларни Гўри Амир, Шоҳизинда, Хўжа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам, Аҳмад Яссавий, Зангиота, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳимхон I, Абулғозихон, Ат-Термизий қабр тошлари ва мақбараларида учрайди.

Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий хонақасида Шайх жасади қўйилган қабрхона эшиги тепасига: ***«Бу Саид боғини қуришга улуғ Жаҳонгир, бутун олам соҳиби Оллоҳнинг суюкли фарзанди Амир Темур фатво берган»*** деган сўзлар битилган. Баъзи қабр тошларда улуғ инсонларнинг яхши фазилатлари, таржимаи ҳоли, ижоди ҳақида сўзлар битилган. Жумладан 14 асрга оид Али Ҳаким Термизий мақбарасидаги тошга худди шундай маълумотлар ёзиб қолдирилган.

II

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган ва ўтмишимизни ўрганишимизда муҳим манба ҳисобланган тарихий битикларга Чоризм ва Шўро замонларида муносабат яхши эмас эди.

Сабаби ўша вақтларда юртимиздаги маданий мерос, улардаги тарихий битикларга эътиборсизлик билан қаралар эди, улар ташландиқ бир аҳволда эди. Натижада эътиборсиз, назоратсиз қолган бу маданий, тарихий бойликларни ўғирлаш ва талон-тарож қилиш бошланган. Император археология комиссиясининг раиси граф А.Бобринский 1909 йилнинг февралида Давлат думаси мажлисида сўзга чиқиб, "Туркистондаги қадимий ёдгорликларни сақлаш жуда ёмон аҳволда, кўп қимматбаҳо тарихий буюмлар талон-тарож қилинмоқда" деб маълумот берган.

Қадимшунос Ф.Пекун 1917 йили "Новое время" журналида ёзган мақоласида эса "Ҳар бир кимса масжид эшикларидан тортиб, то қабр тош тахтачаларигача вақшийларча олиб кетишяпти" деб кўрсатиб ўтган. Зарофшон округининг губернатори генерал Абрамовга ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари, ўлкашуносларига хат билан мурожаат қилиб, тарихий бойликларни, турли асори-атиқаларни, тарихий битикларни, қўлёзма манбалар, асарларни, нодир китобларни турли шахслар томонидан талон-тарож қилиниши ва у билан чайқовчилик қилиб бойлик тўплаётганларни олдини олиш ва унга чек қўйилишини сўраганда ҳам генерал Абрамов бу муҳим масалага эътиборсизлик билан қараган. Ўлка Генерал-Губернаторлик маҳкамаси тарихий буюмлар, ёзувлар, қўлёзма асарлар, ҳужжатлар ва бошқа асори-атиқаларни талон-тарож қилиш ва у билан чайқовчиликка қарши 1871, 1879, 1882 ҳамда 1892 йилларда махсус қарор ҳам чиқарди. Афсус бу қарорларнинг биронтаси ҳам бажарилмади аммо, талон-тарож ишлари тўхтовсиз давом этаверган.

Юртимиздаги меъморий обидалар ва қабртошлардаги тарихий битикларни 19 асрнинг II ярми 20 аср бошларида Самарқандлик хаттот ва таржимонлар Абу Саид Махсум, Мирзо Барот, Шерали Лапин, Абу Тоҳир хожалар, 1960-80 йилларда Абдулҳамид Пулодий, Маъруфий, Массон, Пўлот Зоҳидовлар, кейинроқ академик Ботирхон Валихўжаев, Комилхон Каттаев, Ботир Аминов, Комилжон Худойберганов сингари шарқшунос, санъатшунос, тарихчилар ўргандилар.

Хулоса қилиб айтганда, аждодларимиз қадим даврлардан бошлаб қоятошларга, саройлар, мадраса, мақбара ва меҳмонхоналарнинг мармар ва сирли кошин устунларига, қабр тошларига ҳам турли шакллар ва ёзувлар, ҳикматли сўзлар, марсиялар, ривоятлар, рубоийлар ва бошқа ёзувлар битганлар. Бу ёзув ва шакллар кишилик жамияти тарихида содир бўлган кўплаб муҳим воқеаларни бизга ҳикоя қилиб беради.

Бу ёзувлар ўз навбатида ўтмиш тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ.



Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент сингари кўҳна шаҳарлар ўзининг муҳташам тарихий меъморий ёдгорликлари билан шарқ ғарбни лол қолдирган.

● Тарихдан тарифдек

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

КОЙМАС ДАРВОЗАСИ- Қўқон хони ноибининг ўрдаси билан Бешёғоч дарвозаси оралиғида бўлган. Айрим қадимшуносларнинг тадқиқотларига кўра дарвоза Темур даврига хос дарвозалар рўйхатида Қатағон дарвозаси деб аталган. Қатағон ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Қатағонларнинг асосий қисми Афғонистоннинг Қатағон вилоятида яшайдилар. Анҳорнинг сўл қирғоғида илк ўрта асрларда қурилган Коймас истеҳкоми бўлиб, унинг қолдиқлари "Тали коймас", яъни Коймас тепалиги деб ҳам юритилган. Айрим қадимшуносларнинг фикрича коймас деб аталишининг боиси дарвоза ҳоким ўрдасига яқин бўлганлиги учун кўпинча ёпиқ бўлган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

1865 йилда Тошкент Россия томонидан босиб олингач, Черняев бу "Тали коймас" тепалигининг тўрт тарафидан девор олдириб, қўрғон қурдирган. Эл оғзида бу жой Тупроққўрғон номи билан қолган. Бу қўрғоннинг тўплари Эски шаҳарга қаратилган бўлиб, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмини мудофаа қилиб турган. 1867 йилдан 1883 йилгача бу қўрғондан ҳар куни соат 12.00 да тўплар отилиб, гўё маҳаллий халқни даҳшатга солиб турган. Маҳаллий халқда "Тўпотар" ибораси шундан келиб чиққан.

ЛАБЗАК ДАРВОЗАСИ - Тахтапул ва Қашқар дарвозалари оралиғида жойлашган эди. Муҳаммад Солиҳ-Шайх Шибли шаҳарнинг сув тармоқлари ҳақида ёзганида (Човли) ариғи ўзбеклар дарвозасидан кириб, Қиёт дарвозасидан ташқарига оқиб чиқиши ва Миробод мавзесини сув билан таъминлаб турганини эслатиб ўтади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбек ва Лабзак номлари битта дарвозага тегишли деган хулосага келиш мумкин, деб ёзади қадимшунос олим А.Ўринбоев ўзининг "Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида" номли асарида. Лабзак - асли "Лаби зах", яъни "Зах ариқнинг бўйи" демакдир.

ТАХТАПУЛ ДАРВОЗАСИ айрим маълумотларга кўра дарвоза Турк деб аталган ўзбек қабиласи қарамоғида бўлган. Ишчилар шаҳарчаси ва Кайкобус оралиғидаги маҳалланинг "Туррқўрқон" деб аталиши, қадимда бу жойда ўзбекларнинг туркий қабиласи яшаганлигидан далолат беради. Манбаларда учраб турган Турк дарвозаси деб номланувчи дарвоза шу дарвозага алоқадор бўлиши мумкин деган эди туркшунос олим В.В.Решетов шаҳар топонимик комиссиясининг мажлисларидан бирида. (1972).

XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни Юнус хожи ва унинг ворислари ҳокимлиги даврида шаҳар мудофаа деворлари қайта тикланиб, дарвозалар, жумладан Тахтапул дарвозасининг ҳам таъмирланиши муносабати билан, Кайкобус каналига янги ёғоч кўприк қурилади. Дарвоза, маҳалла ва кўчанинг Тахтапул (Тахтакўприк) деб номланиши шундан.

КАМОЛОН ДАРВОЗАСИ Бешёғоч даҳасининг Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари оралиғида, яъни камолон маҳалласи ҳудудида бўлган. Муҳаммад Солиҳ ўзининг "Тошкентнинг янги тарихи" номли асарида Камолон маҳалла сифатида тилга олинган бўлиб, дарвоза эса Камондарон кўринишида ёзилган. Шунингдек, камондаронларнинг Бузук қабиласидан бир тоифасига мансублиги кўрсатиб ўтилган. Худди шу давр учун А.Г.Гейнс шаҳар дарвозаларининг тўла рўйхатини тўрт даҳа бўйича ёзган. Бунда Бешёғоч даҳасига қарашли дарвозаларнинг Бешёғоч, Камолон ва Самарқанд номлари келтирилган. Камондарон (камонгарон) яъни камонсозлар, кейинчалик оғзаки тилимизга Камолон талаффузида етиб келган.

Тарихдан маълумки Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар Шарқда "Камони Шоший" номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган. Жумладан Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" номли асарида "Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг шуҳрати бутун вилоятга тарқалган. Улар патли ва патсиз камон ўқларини ясаганлар", - деб ёзади.

Тошкент тарихида юқорида номлари келтирилган шаҳарнинг 12 дарвозасидан ташқари Наршахий ва Мақсудий каби қадимий тарихчиларнинг асарларидан ўрин олган қадимий Тошкент Ўрдасининг икки дарвозаси ва Шаҳристоннинг Абул Аббос, Каср (Кеш), Гумбаз (Жўнай) номлари билан келган уч дарвозаси бўлиб, булар хозирги Эски жува бозори, Зарқайнар, А.Навоий ва Чорсу кўчалари оралиғида бўлган. Бу дарвозалар тахминан ҳозирги М.Уйғур номли театр ва Кўкалдош мадрасасининг орқа томонида жойлашган. Шунингдек, ҳозирги А.Навоий (илгариги Катта кўча, Тош кўча ва Шайхонтоҳур кўчаси) кўчасидан Шайхонтоҳур зиёратгоҳига киришдаги машҳур Шайхонтоҳур дарвозаси бўлган. Дарвоза ўтган асрнинг 40-йилларида А.Навоий кўчасини кенгайтириш муносабати билан буздириб юборилган.

Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Бу - ёки ҳамкорларингизнинг фойдали таклифи ёки оила аъзоларингиз билан боғлиқ бўлиши мумкин.

СИГИР(22.0420.05)

Одатда бу бурж вакиллари ўз касбининг устаси бўлади. Шу кунларда иш фаолиятингизда амал поғоналаридан кўтарилишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Шу кунларда қандай ишга қўл урманг, сизга омад ёр бўлади. Фақат жума куни муҳим ишларга киришмай турсангиз бўлди. Дам олиш кунларини оилада ўтказинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Жума куни бироз ишингиз юришмаслиги мумкин. Шуни ҳисобга олмаганда, бошқа кунларни дўстларингиз ва оила даврасида кўнгилли ўтказасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Бордию жума куни ҳар қанча жаҳлингизни чиқарсаларда ҳеч ким билан жанжаллашмасангиз, аввало ўзингизнинг соғлиғингизга жабр қилмаган бўласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳар кимга ишониб кетавермаслик сизга хос бўлган хусусият. Худди шу хусусият айни кунларда сизга жуда катта ёрдам бериши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафта охиригача кўп ишларга улгуришингиз мумкин. Шунинг учун айни кунларда ҳатто ҳордиқ олмасдан ишлашингизга тўғри келади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Жума куни турли меҳмондорчиликларга чорланса-да, бундай таклифлардан воз кечганингиз маъқул. Шунда қутилмаган жанжалга иштирокчи бўлиб қолмайсиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Жамоат ишлари ёки турли мурожаатлар билан боғлиқ ишларни яхшиси кейинроққа қолдиринг. Оилангиз даврасида кўпроқ бўлиш сиз учун жуда фойдали.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда соғлиғингизга жиддий эътибор беришингиз, сизни турли тумовлардан асрайди. Бир-икки кун ташвишлардан холи бўлиб, дам олинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Нима қилсангиз ҳам, жума ва шанба куни хоҳ ишқий, хоҳ расмий учрашувларни бекор қилинг. Акс ҳолда омадсизлик турли ҳафагарчиликка сабаб бўлиши мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Шу кунларда юлдузлар сизга катта моддий манфаатни башорат қилмоқдалар. Лекин ҳаммаси барибир ўзингизнинг ҳаракатингизга боғлиқ.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган

● *Қутлов!*



Дунёда касб-корлар кўп. Ҳаммамиз ҳам бирон касб орқасидан яшаймиз, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқарамиз. Баҳодирхўжа Сулаймонхўжаев ҳам ўз севган касби автотранспорт ходими сифатида одамлар олқишини олган, эл назарига тушган инсонлардан.

Ўттиз йилдирки, у бу касбни эъзозлаб, обрў-эътибор орттириб, бугунги кунда шогирдлар етиштириб, элимизга хизмат келиб келмоқда.

Ҳурматли Баҳодирхўжа ака, Бугун Сизнинг ҳаётда, ҳамкасблар даврасида орттирган ҳурмат эътиборингизга кўпчилик ҳавас қилади. Сизни муборак ёшингиз билан қутлар эканмиз, касбдошларингиз, оилангиз, дўстларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг, деймиз.

Дўстларингиз: Абдурасул, Саидали, Гули, Ҳайдарали.

Обуна-2004

• Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • • Mahalla • Mahalla •

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги

ҚОНУНИДАН

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

ТАҲРИРИЯТ



Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ томонидан 2003 йилда хусусий тадбиркор Саиброва Олимжон Худойназар қизи номига берилган 743 рақамли тадбиркорларнинг даромад ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

•ЭЪЛОНЛАР•

Тошкент шаҳар А.Иқромов тумани ДСИ томонидан Сатторова Лола Даврановна номига берилган 141 рақамли тадбиркорларнинг даромад ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент вилояти Қибрай тумани "Мирфозил ота" хусусий корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси Бўстон маҳалласи оқсоқоли **Салом ОТАМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

4946 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-923 Топширилди—